

Мавзу: Техник сервис корхоналарининг техник иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш

Адабиётлар:

1. Р.Р.Эргашев, Б.Х.Норов Мелиорация ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш ва техник сервис. Тошкент.-2008.-262 б.
2. МҚМФТС фанидан курс лойиҳасини бажариш бўйича услубий қўлланма. Тошкент, 2013 й.

Техник сервис корхоналарининг техник иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблашда унинг йиллик ишлаб чиқариш дастури (минг сўмда) механик-таъмирлаш устахонанинг таъмир шароити учун йиллик қуввати, асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, ишчиларнинг умумий сони, ишлаб чиқариш биноларининг умумий майдони, шартли таъмирнинг цех бўйича қиймати, бир ишлаб чиқаришдаги ишчининг иш унумдорлиги, бир сум ишлаб чиқариш фондининг унуми, рентабеллик ва капитал маблағларнинг қоплаш муддати аниқланади.

Техник сервис корхоналарининг йиллик ишлаб чиқариш дастури қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_r = 0,001 \cdot \left[\sum_{i=1}^n N_i \cdot W_i \cdot C_{\text{ТРi}} + \sum_{i=1}^n N_i \cdot C_{\text{xi}} + 2,48 \cdot T_d \right], \quad \text{тыс сум} \quad (1)$$

бунда: N_i - i -нчи маркадаги машиналарнинг рўйхатдаги сони, дона;
 W_i - i -нчи маркадаги машиналарнинг йиллик иш режими, мото.-соат;
 $C_{\text{ТРi}}$ - i -нчи маркадаги машиналарнинг ТХК ва таъмирлашларга сарфланадиган меҳнат сарфлари, сўм/мото.-соат;
 n - машиналар сони;
 C_{xi} - i -нчи маркадаги машиналарнинг йиллик сақлаш қиймати, сўм;
 T_d - қўшимча ишларнинг йиллик меҳнат сарфи, одам-соат.

Механик-таъмирлаш устахонасининг йиллик қуввати қуйидагига тенг деб қабул қилинади:

$$N_d = \frac{\sum T}{300}; \quad (2)$$

бунда: $\sum T$ – устахонанинг барча ишларга сарфлайдиган йиллик меҳнат сарфи, одам-соат.

1-жадвал

Машиналарни йиллик сақлаш қиймати

Машиналар номи	Сақлаш қиймати, сўм/й C_x
Механик узатмали Экскаваторлар	24750

Гидравлик узатмали ЭКскаваторлар	24750
Бульдозер ва скреперлар	14100
Грейдерлар	14100
Тракторлар	11510
Планировщиклар	14100

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати қуйидагича аниқланади

$$C_o = C_{зд} + C_{об} + C_{пр} + C_{ин} + C_{ис}; \quad (3)$$

бунда: $C_{зд}, C_{об}, C_{пр}, C_{ин}, C_{ис}$ - мос ҳолда: бинолар, жихозлар, қурилмалар, инструментлар, кўчма ТХК ва таъмирлаш устахоналари қийматлари, сўм.

$$C_{зд} = C_m \cdot V; \quad (4)$$

бунда: C_m - 1 м³ бино қиймати, сўм/м³.

V - бинонинг кубатураси, м³.

Жихозлар, қурилмалар, инструментларнинг қиймати мос ҳолда қуйидагига тенг бўлади:

$$C_{об} = (0,3...0,4) \cdot C_{зд}; \quad C_{пр} = (0,04...0,08) \cdot C_{зд}; \quad C_{ин} = (0,02...0,04) \cdot C_{зд};$$

Кўчма устахонанинг атрофлича қиймати

$$C_{авто} = C_{мпр} = (4,5...5,5) \cdot 10^6 \text{ сўм}$$

Ишлаб чиқаришдаги (ТХК ва таъмирлаш устахонадаги) асосий ва ёрдамчи ишчилар, ИТХ ва хизматчиларнинг сони ҳисоблар натижалари бўйича аниқланади.

Цехдаги бир шартли таъмирнинг таннархи қуйидагича аниқланади:

$$C_{ус} = C_з + C_m + C_{зч} + C_n + C_{кооп}; \quad (5)$$

где: $C_з, C_m, C_{зч}, C_n, C_{кооп}$ - мос ҳолда асосий ва қўшимча маошлар, материаллар, эҳтиёт қисмлар, умум ишлаб чиқариш ва корпорация бўйича бажариладиган ишлар харажатлари.

Асосий ва қўшимча маошларга сарфлар

$$C_з = 300 \cdot \beta \cdot C_{ур} \cdot K \cdot (K_{кооп} + K_{соц} + K_{дон}) \cdot K_{соц}; \quad (6)$$

бунда: 300 – шартли таъмирнинг меҳнат сарфи, одам-соат;

β – Устахона йиллик дастурини инобатга олувчи коэффициент, $\beta = 0,75...0,80$;

K - ортиқча ва бошқа режалаштирилмаган ишлар учун қўшимча хак тўлашни инобатга олувчи коэффициент, ($K=1,025\dots 1,030$);

$K_{\text{доп}}$ - ишчиларга қўшимча бериладиган маошни ҳисобга олувчи коэффициент, ($K_{\text{доп}} = 1,08$);

$K_{\text{соц}}$ - ижтимоий суғуртага ажратилиши кўзда тутилган коэффициент, ($K_{\text{соц}}=1,14$);

$C_{\text{ур}}$ - ишчининг ўртача соатлик тариф ставкаси, сўм.

$$C_{\text{ур}} = \frac{\sum_{i=1}^6 n_i \cdot t_i}{\sum_{i=1}^6 n_i}; \quad (3.43)$$

бунда: n_i - i -чи разряддаги ишчилар сони;

t_i - i -чи разряддаги 1-соат қиймати;

6 – ишчиларнинг разрядлари сони.

Материаллар, эҳтиёт қисмлар ва умум ишлаб чиқариш харажатлари қиймати тахминан қуйидагича қабул қилинади:

$$C_{\text{м}}=0,2 \cdot C_3; \quad C_{\text{з}}=3,95 \cdot C_3; \quad C_{\text{п}}=0,6 \cdot C_3; \quad (3.44)$$

Шартли таъмирнинг норматив қиймати

$$C_{\text{ус}}^{\text{н}} = \frac{C_{\text{Г}}}{N_{\text{ус}}}; \quad (3.45)$$

Йиллик шартли иқтисод:

$$\mathcal{E}_{\text{Г}} = (C_{\text{ус}}^{\text{н}} - C_{\text{ус}}) \cdot N_{\text{ус}}, \text{ сум}, \quad (3.46)$$

Бир ишчининг унумдорлиги

$$C_{\text{р}} = \frac{C_{\text{Г}}}{n_{\text{с}}}, \text{ сўм/одам}, \quad (3.47)$$

бунда: $n_{\text{с}}$ - ишчиларнинг рўйхатдаги сони.

Бир сўм сарфланган асосий ишлаб чиқариш фондининг унумдорлиги

$$C_{\text{ф}} = \frac{C_{\text{Г}}}{C_{\text{о}}}, \text{ сўм/сўм}, \quad (3.48)$$

бунда: $C_{\text{о}}$ – асосий ишлаб чиқариш фондининг қиймати, сўм.

Рентабеллик меъёри

$$P = \frac{\Delta_r \cdot 100}{C_o}, \quad \% \quad (3.49)$$

Капитал қўйилмаларнинг қоплаш муддати

$$T = \frac{C_o}{\Delta_r}, \quad \text{йил} \quad (3.50)$$

Ҳисобланган қийматлар жадвал кўринишига келтирилади (1-шакл).

1-шакл

ТХК ва таъмирлаш устахонасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичнинг номи	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар қиймати
1.	Йиллик ишлаб чиқариш дастури	C_r	минг.сўм.	
2.	Ишлаб чиқариш қуввати	N_{yc}	дона	
3.	Асосий ишлаб чиқариш фондининг қиймати	C_o	сўм.	
4.	Ишчиларнинг умумий сони, ш.б. ишлаб чиқаришда қатнашадиган	$P_{пр}$	одам	
5.	Бир ишчининг унумдорлиги	C_p	сўм./одам	
6.	Бир сўм ишлаб чиқариш фондининг унумдорлиги	C_{ϕ}	сўм./сўм.	
7.	Рентабеллик меъёри	P	%	
8.	Шартли таъмирнинг тан нархи	C_{yc}	сўм.	
9.	Шартли йиллик иқтисод	Δ_r	сўм.	
10	Қоплаш муддати	T	йил	